



УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХА ДОИРАСИДА

БИЗДАН ОБОД ВА ЯШИЛ БОҒЛАР ҚОЛАДИ



Самарқанддан Қашқадарёга Тахтиқорача довони орқали ўтаётганда пастда сизни чинорлари осмонга бўйлаган, арчазору дўлناзорлари ерга соя солиб, қадамида булоқлар отилиб, чашмалар оқаётган Қайнар қишлоғидан бошланувчи Китоб тумани қарши олади. Йўл сизни туман маркази томон етаклайди ва ҳар лаҳзада тараққиёт сари бўй чўзаётган янгилликларни, ўзгаришларни кўриб кўзингиз қувонади.

Азалдан маълум: Китоб туманида дарахтлар билан боғлиқ жой номлари жуда кўп: Олмазор, Бодомзор, Чинорзор, Тутзор, Теразор, Шафтолизор, Қўшчинор, Чинор, Чинорли, Бештерақ, Қатортут, Дўлнасой, Арчали, Арчазор, Толзор, Чилонбоғ, Яккачинор, Пистазор, Яккатут, Қўштут, Қатортут ва ҳоказо. Эл ўз манзили номини бежиз шундай атамаган, бу жойларда бир замонлар улкан боғлар бўлган, хиёбонлар ва асрий чинорлар, тутлар яшнаб турган.

Дарвоқе, уч тарафи тоғлар билан ўралган бу туман Ўзбекистондаги энг хушманзара, баҳаво, дов-дарахтли, ичимлик сувига бой, ўрмонзорла-

ри бор сўлим худудлардан бири. Шунинг учун ҳам ёзнинг жазирама чилласи бошланиши билан оқ Китобга кўшни вилоятлардан ҳордик қиқариш, гўзал табиат кўйида ором олиш учун келувчилар сони кўпаяди. Ҳатто дунёда ягона ҳисобланган ва халқаро андоза сифатида эътироф этилган Миллий табиат боғи ҳам айнан ушбу худуднинг тоғли Жовуз қишлоғида жойлашган. Бу боғда ўсимликлар ва дарахтлар оламининг юзлаб турлари бор. Уларнинг аксарияти республикамизнинг "Қизил китоб"га киритилган.

Сўлим табиати, дарё ва анҳорлари, сой ва зилол булоқлари билан одамларни ўзига чорлайдиган яна ўнлаб қишлоқлар борки, уларнинг бари табиатнинг инояти, инъомидир. Ва яна кўплаб боғлар, дарахтзорлар, хиёбонлар ота-боболаримиз, бобокалонларимиз қолдириб кетган яшил бойликдир. Шунинг учун ҳам бу ерда 500, 600 йиллик дарахтлар анчагина. 100 ёшдан ошганларнинг эса ҳисоби йўқ.

— Эътиборли томони шундаки, туман аҳли бу яшилликни янада бойитиш, хушхаво ўлкани янада кўркам қилиш ниятида йилнинг тўрт фаслида ҳам тиним билмайди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш бўйича "Долзарб 40 кунлик"нинг эълон қилинган барчамизни янада руҳлантирди. — дейди Китоб тумани ҳокими Уктам ПАРДАЕВ. — Яқинда барча соҳа раҳбарлари ва вакилларини тумандаги ободонлаштириш бошқармасига қарашли кўчатчилик боғига таклиф этиб, Китобимизни яшил масканга — гуллар ва

дарахтлар шаҳрига айлантириш бўйича аниқ режалар тузиб олдик. Жуда кўп жўяли ва фойдали таклифлар ўртага ташланди. Негаки, ҳозир кўзнинг ўртаси. Яъни кўчат экиш учун энг қулай фурсат. Бир томони, табиатда бу, ёғингарчилик ҳам бошланиб кетди. Демак, умид билан экилган кўчатларнинг беҳато кўкариши учун намгарчилик етарли бўлишига қафолат бор. Оқдидий бир мисол, шижоатли, ташаббускор инсонлардан бири Авлоқул Авлаев раҳбарлик қилаётган туман халқ таълими бўлими ходимлари бу борада бошқаларга намуна бўлишяпти. Мактаб худудларида 10 минг дон павловния дарахти экишга киришилгани ибратлидир. Бунда нафақат атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, балки даромад олиш ҳам назарда тутилди. Шу сабабли улар айнан ёғочбоп, тез ўсадиган ушбу дарахтни танлашди. Эътиборли жиҳати, ўша кунёқ, кўргазмали семинар ҳам ташкил этилиб, туманимиздаги 84-, 87-, 95-мактабларнинг бўш турган жойларига 300-350 дон павловния экилганди. Ҳозирги кунга қадар эса биргина шу тизимнинг ўзида уч мингдан зиёд павловния ва беш мингдан зиёд меваги ва манзарали кўчатлар экилди.

Шу кунларда туманда бўлиб ўтаётган тарғибот тадбирларида ҳам дарахт экиш ватанпарварликнинг бир кўриниши деб баҳоланмоқда. Экилган дарахт кўчатларининг униб кетишига эришиш бурч, деб ҳисобланмоқда. 30-мактабнинг собиқ битирувчиси ўзи таҳсил кўрган илм масканига 100 туپ манзарали гул кўчати совға қилгани ҳам, сувсевар павловния дарахтини экиш учун мактаблардан бири жамоаси ҳозирдан артезиан қудуқ қазишга киришиб кетгани ҳам бу хайрли ишга ҳеч ким бефарқ эмаслигини кўрсатяпти. Зеро, йўл четига дарахтга бир челақ сув қуйиш ёки ёшгина ниҳолни синдиришга чоғланган болани тўхташиб қолиш орқали она табиатга бўлган муносабатни, ватанпарварликни кўрсатиш мумкин.

Эзгу ташаббуснинг қаноти бўлади, деганлари рост. Туман марказидан Қайнар қишлоғигача бўлган автомобиль трассаси бўйларида дарахт экиш қизгин давом этмоқда. Тахтиқорача довоғига туташиб кетган Наврўзтепа адирларидан ажратилган 10 гектарли майдонда ҳам боғ яратиш ишлари авжида. Макрид худудидидаги йўллар четига жийда, қайрағоч, япон софораси, чинор кўчатлари экиляпти.

Очиғи, табиий савол туғилади: хўш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтказилётган тадбирларда аҳолининг барча қатламлари ихтиёрий иштирок этяптими? Албатта, аввалги даврлардагидек, хўжақўрсинга эқдингми, тамом, уни чиқадики, кўриб кетадими, анави ободончиликдан ойлик олаётганлар қарайди-да, деган бемаъни қарашлардан воз кечилётганини кузатиб кўнглимиз чоғ бўлди. Сабаби, кўчат экаётганлар орасида кўнгилчилар кўпчиликини ташкил этаётгани кўвонарли ҳолдир. Бу эса бошқа, ҳар хил баҳона излаётганларга яхшигина сабоқ бўляпти ҳам. Кўчатларнинг асосий қисми тумандаги ўрмон хўжалиқлари ва ободонлаштириш бошқармаси томонидан етказиб берилмоқда.

Давони 3-саҳифада. ►►



ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ

МЕҲНАТ ЭРКИНЛИГИ ВА ҲУҚУҚЛАР ТЕНГЛИГИНИНГ ТўЛИҚ КАФОЛАТИДИР

2

МАҚСАД ЖАЗОПАШ ЭМАС, КўМАК ВА РАҒБАТ КўРСАТИШ



3



ОДАМНИНГ ўЗИ ҚАНДАЙ БўЛСА, БАХТИ ҲАМ ШУНДАЙ БўЛАДИ

6

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ АМАЛДА: ҚОНЛИКўЛДА СИРДАРЁ ТАЖРИБАСИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикамиз вилоятлари Қорақалпоғистондаги туманларга бириктирилган.

Жумладан, Сирдарё вилояти ҳам ўз тажрибаси асосида Қонликўл туманини янада ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Туманини 2022-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида вилоят томонидан 549,9 миллиард сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳалар асосида 2 мингга яқин иш ўрни яратилиши белгиланган.

Ушбу ташаббус ижроси доирасида сирдарёликлар ёрдами билан тумандаги 358 километр ариқ ва зовурлар қазилиб, 9 минг 700 гектар ер майдонини қайта фойдаланишга киритиш чоралари кўрилди. 5 минг гектар экин майдони шудгорланди. "Сирдарё тажрибаси" асосида полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилди. Маданият, Дўстлик ва Наврўз маҳаллаларидаги томорқа ер майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида қуввати 15 кВт бўлган насос ҳамда 100 кВА қувватли трансформатор ўрнатилди.

Кам таъминланган, ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган ишсиз фуқароларга мотокультиватор ва бошқа даромадли ишлар билан шуғулланишлари учун техник воситалар, 10 минг туپ меваги дарахт кўчатлари, қиймати 45 миллион сўм бўлган парранда, 50 бош қорамол тарқатилиб, 100



дан зиёд хонадонларга иссиқхона қуриб берилди. Турли байрам тадбирлари муносабати билан 400 дан зиёд эҳтиёжманд оила газ плита ҳамда электр печ, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланди. Ёзги дам олиш мавсумида қонликўллик ўқитувчиларнинг "Янгиер санаторийси"да соғлиғини тиклаш учун бепул йўлланмалар тақдим этилди. Туман нуронийлари учун Сирдарёга саёҳат уюштирилди. Туман марказий шифохонасида сирдарёлик малакали жарроҳ, гинеколог, эндохринолог, кардиолог ва онколог каби 14 турдаги мутахассислар томонидан тиббий кўрик ташкил этилиб, аҳолига 50 миллион сўмлик дори-дармон воситалари тарқатилди. Ушбу ишларнинг узвий давоми сифатида Маданият маҳалласида икки халқнинг тарихий орзу-интилишларини ўзида уйғунлаштирган, қурилиши

архитектураси жиҳатидан замонавий ва миллий меъморий ечимга эга "Сайхун ва Жайхун" маънавият ва маърифат маскани бунёд этилди. Сирдарё вилояти ҳокими Гофуржон Мирзаев ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши раиси Қахрамон Сариев, шунингдек, Сирдарё ва Қорақалпоғистон жамоатчилиги вакиллари иштирок этган тантанали очилиш маросимлари Сирдарё ва Қонликўл ўртасидаги масофа узок бўлса-да кўнгилларнинг яқинлиги, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг муштарак тарихи ва дўстлиги туфайли алоқалар мустақамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Сирдарёлик зиёлилар томонидан фойдаланишга топширилган маънавият ва маърифат масканига 3 мингдан зиёд китоб жамланмалари тақдим этилди.

Шунингдек, кун давомида миришкор бобо деҳқонлар томонидан Сирдарёда етиштирилган тилими тилини ёрувчи полиз экинлари, сархил мевалар ҳамда миллий таомлар кўргазмаси ташкил этилиб, маҳалла ва овулларда турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди. "Дўстлик" ҳамда "Сирдарё-Қорақалпоғистон оналари боғи" ташкил этилиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида бугуннинг ўзида 1 000 дан зиёд манзарали ва меваги дарахт кўчатлари экилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, болаларга қишқикийим-бош совға қилинди.

Ў.А.

XXI АСРНИНГ 23-ЙИЛИДА ҲАМ "XXI asr" БИЛАН БИРГА БўЛИНГ!

ОБУНА 2023

Обуна индекси - 406. Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ МЕХНАТ КОДЕКСИ

МЕХНАТ ЭРКИНЛИГИ ВА ХУҚУҚЛАР ТЕНГЛИГИНИНГ ТЎЛИҚ КАФОЛАТИДИР



Ахтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

Янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳар соҳада янгиликни, имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, меҳнат ва меҳнат муносабатларини қонун доирасида амалга оширишни тақозо этади. Шу маънода 1995 йилда қабул қилинган амалдаги Меҳнат кодекси бугунги замон талабига тўла мос келмай қолганлиги сир эмасди.

Президентимиз 2022 йил 28 октябрь куни «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунни имзолагани аниқ муддао бўлди. Қабул қилинган янги тахрирдаги Меҳнат кодекси (6 ойдан сўнг кучга киради) фуқароларни меҳнатга жалб этишининг айнан

янги шакллари назарда тулади. Хусусан, янги ҳужжатда меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг асосий тамойиллари, яъни ходимлар меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва касб-хунар соҳасида камситишларга йўл қўймаслик, меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш, ижтимоий шериклик ҳамда меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ва мажбурийларни бажариш кафолати, ходимнинг ҳуқуқий ҳолатининг ёмонлашишига йўл қўйилмаслик кабиларга катта эътибор қаратилган.

Яна шуни алоҳида қайд этишни истар эдимки, ҳужжатда Ўзбекистоннинг «Электрон ҳукумат» тизимида кирувчи Ягона миллий меҳнат тизимида барча тузилган меҳнат шартномаларини (ва уларга киритилган ўзгартиришларни) мажбурий рўйхатдан ўтказиш бўйича талаблар белгиланмоқда. Муддатли меҳнат шартномасини тузиш асослари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Муддатли меҳнат шартномаси муддати бир марталик узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилдан 3 йилгача қисқартирилган.

Бундан ташқари, иқтисодий сабабларга кўра меҳнат шартномасини ўзгартириш ва бекор қилишнинг содда-лаштирилган тартиблари жорий этилмоқда, шартномани бекор қилиш асослари соддалаштирилмоқда. «Ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш» асоси чиқариб ташланмоқда. Ходимни бошқа иш берувчига хизмат сафарига юбориш тартиби белгиланмоқда, бу эса доимий иш жойидаги меҳнат шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туришни ва ходим ишга йўриланган ташкилот билан муддатли шартнома тузишни назарда тулади.

Айниқса, ишдан бўшатилган нафақасини иш берувчида ишлаган иш стажига қараб дифференциациялашган миқдори белгилангани ҳам бугунги кун талабига тўла мос келмади. Дам олиш кунини давлат байрамлари (ишланмайдиган байрам кунлари)га тўғри келган тақдирда кўчириш қоидаси амалга киритилаётгани, меҳнат таштилининг минимал давомийлиги календарь кунларда (15 иш кунини ўрнига 21 календарь кунини) этиб ҳисобланаётгани ҳам янги тахрирдаги кодекснинг инсон қадрини унча тамойилларига мослигидан далолат беради.

Бугунги глобаллашув жараёнилари шиддат билан давом этаётган даврда юртимизда меҳнат қилиш ва меҳнат муносабатларининг оқилона йўлга қўйилишида мазкур ҳуқуқий ҳужжат ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

«ЁШЛАР БИЛАН» ЛОЙИХАСИ



УЙ-ЖОЙ МУАММОСИ ҚАЙСИ АСРДА ЕЧИМ ТОПАДИ?

Ҳар кимнинг ўз бошпанаси – ватани бўлгани яхши-да. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда кўплаб аҳоли тураржойлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, ёш оилаларни барча қулайликларга эга уй-жой билан таъминлаш борасида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, шу мақсадда қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажра-

тиш жараёнларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ёш оилалар, шу жумладан, 30 ёшдан ошмаган фуқаролар субсидия ажратиш мақсадида ижтимоий химояга муҳтож бўлган шахслар тоифасига киритилиши белгиланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Yoshlar bilan» лойиҳасининг навбатдаги сонида мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар самардорлиги, қабул қилинган ҳужжатлар ижроси, соҳани янада такомиллаштириш борасида амалга оширилиши кўзда тутилган тадбирлар ва уларнинг механизмлари муҳокама қилинди.

Унда O'zLiDePнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, партия фаоллари, Ёшлар парламенти аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг «Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқароларга ипотека кредити ва суб-

сидия ажратишдаги қоғозбозликни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёнларни рақамлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан белгиланган қатор вазифалар ижроси таҳлил қилинди.

Шунингдек, талабаларни тураржой билан таъминлаш масаласи ҳам ўрганилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 154 та ОТМ мавжуд бўлиб, 808 минг 400 нафар талаба таъсил олмақда. Бироқ уларнинг тўрт йил мобайнида қаерда яшаб кун кечириши масаласи тўлақонли ижобий ҳал этилмаган. Тахминан 130 мингдан ортиқ талаба ёки жами талабаларнинг 16,1 фоизи ижарада яшайди.

Масъул ташкилот вакиллари талабалар тураржойлари сонини, қанча талаба ётоқхоналар билан таъминлангани, қанчаси ётоқхонага муҳтожлиги, қанча ёш ижарада тургани, ижара шартномаси тузиш ва ижара пулларининг 50 фоизини қоплаш бўйича олиб борилаётган ишлар ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида маълумот берди.

Элёр ЖҲҲРАЕВ,
O'zLiDeP Ёшлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси

КОНСТИТУЦИЙВИЙ ИСЛОХОТЛАР

Дунёда вужудга келганидан кейин мутлақо ўзгармаган, трансформацияга учрамаган ва янгиликлар киритилмаган Асосий қонунлар учрамайди. Конституционал фалсафа ва унинг амал қилиш диалектикаси шундайки, ҳар қандай давлат конституцияси давр ўтиши, жамият янгилиниши, мамлакат ҳаётидаги туб ўзгаришлар билан узвий боғлиқликда намоён бўлади ва ушбу мураккаб жараёни муқаррар тарзда ўзида акс эттиради. Шу маънода амалдаги конституцияларнинг муайян даврга келиб улкан аҳамиятга молик муҳим жараёнлар таъсирида ўзгариши ва янгилиниши конституционал фалсафа ва демократик ҳаёт тарзининг инсоният тарихида исботланган муҳим қонуниятларидан биридир. Миллий тараққиётнинг янги босқичига кирган ва барча соҳаларда кенг қўламли ислохотларни амалга ошираётган бизнинг мамлакатимиз Асосий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги ушбу қонуниятнинг яна бир бор кун тартибига чиқаётгани, яъни ҳозирги давримизнинг ҳаёт тақозосига айланаётганидан далолат беради.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ ВА МАЪНАВИЯТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Биринчи мақола

Шу йилнинг 20 май куни Сенат ва Қонунчилик палатаси кенгашлари қўшма мажлисида Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилгани ушбу жабҳада заруратнинг ниҳоятда долзарблаганидан далолат беради.

Ўтган йилги Президент сайлови кампаниясида фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар томонидан сиёсий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, шунингдек, суд ва қонун устуворлиги масалалари бўйича чуқур ва тизимли ислохотларни янада жаддалаштириш бўйича аниқ таклифлар берилди. Ушбу таклифлар таҳлили шуни кўрсатадики, жамият ва давлатимизни янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини химоя қилиш, айна пайтада маънавий соҳасидаги давлат сиёсатининг асослари тўғрисидаги тартиб-қоидаларни, мазкур йўналишда инсон камолоти ва жамият тараққиёти учун ниҳоятда муҳим бўлган ҳуқуқий нормаларни Конституциямизда муҳрлаб қўйиш имконини ҳам вужудга келтириш керак.

Конституциячилик аънанаси ва фалсафаси пайдо бўлиши инсоният тафаккури ва ҳуқуқий маданияти тараққиёти, қонун ижодкорлиги тақомиланиши муҳим ҳосиласи, давлатнинг жамият ва фуқаро билан муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ва мамлакат ҳаётини шу асосда ташкил қилиш эҳтиёжининг ўзига хос натижасидир. Конституциялар фалсафаси шаклланишининг ўзига хос тарихи ва тақомил босқичлари мавжудлигини, унинг илк даври Қадимги Юнонистондаги улкан маънавий тараққиёт тамойиллари билан боғлиқлигини бирор бир фалсафа тарихчиси рад этмаслиги шубҳасиз.

Демократия асослари яратилган қадимги эллинлар давридаёқ, конституциялар энг муҳим ҳужжат, халқ ва давлат муносабатлари, жамият ҳаётининг устувор тартиб-қоидалари ўз ифодасини топган асосий қонун сифатида эътироф этилган. Ўзига хос конституциячилик ва қонун устуворлиги, кўппартиявийлик ва тенглик асосидаги сайлов тамойиллари, гражданлик ҳуқуқи ва жамоатчилик назорати талаблари банд даражага кўтарилгани учун ҳам «Афина демократиясининг олтин асри» деб ном олган давр ижодкори, донишманд ҳукмдор Солон «Конституция – халқ ва давлат ўртасидаги асосий шартнома, бошқа барча қонунлар унга таяниши лозим», деб бежиз уқтирмаган. Ҳолбуки, Солон 158 та шаҳар-давлатдан иборат бўлган Афина иттифоқида ўз ислохотларини бошлаганидаёқ уларнинг конституцияларини янгилаш ва қонунларига ўзгартиришлар киритишга ниҳоятда катта аҳамият қаратган ва бу улкан ижобий натижаларга олиб келган.

Аллома бобомиз Беруний ҳам айнан ана шу даврни назарда тутиб, ўзининг машҳур «Ҳиндистон» асарига қадимги юнонлар қонунларини ишлаб чиқиш, улар асосида яшаш ва ушбу муҳим ҳужжатларни муттасил такомиллаштириш йўлини танлагани, бу эса ўз навбатида бутун инсониятга ниҳоятда катта мафзаат келтиргани, башариятнинг ҳуқуқий жамият сари бошлагани учун улкан аҳамиятга молик катта қадам бўлганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Шарқда «Биринчи муаллим» дея қадрланган машҳур файласуф Аристотелнинг мазкур конституциялар қиёсланган ва шу асосда давлатчиликнинг моҳияти, давлатларнинг шакллари асослаб берилган «Сиёсат» асарига қайд этилганидек, бу борада аввало халқ ҳокимияти, вакиллик органлари ва фуқаролик бошқарувининг амал қилиши, ҳар бир инсоннинг тенг ҳуқуқлилиги, ўз фикрини эмин-эркин ифодалаш, кўппартиявийлик тамойиллари ва эркин сайловлар тизими мавжудлиги демократиянинг асосий мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Фуқароларнинг ислохотларга бефарқ қарамаслиги, сиёсий фаол ва мавжуд партиялардан бирига аъзо бўлиши, давлат ва жамият учун муҳим сиёсий жараёнларда албатта иштирок этиши зарурлиги тўғрисидаги қоидалар ва ўзгаришлар ўша давр демократик полис-давлатлари конституцияларида муҳрлаб қўйилган. Бунда нафақат фуқаро ҳуқуқлари, балки ҳар бир фуқаронинг тенг ҳуқуқли инсон сифатида давлат ва жамият учун қадр-қиммати устувор бўлиши зарурлиги ҳақидаги тамойиллар ҳам конституцияда белгиланган бўлишига эришилгани алоҳида диққатга сазовордир.

Кўплаб тушунчалар каби «демократия» ва «конституция» атамалари ҳам қадимги юнонларнинг эллинизм давридан бошлаб инсоният лексиконига жорий этилган ва ўз аҳамиятини асрлар оша намоён этиб келаётган муҳим атамаларни қаторига мансубдир. Ушбу атамалар инсоният тарихининг бир даврида пайдо бўлгани, бири иккинчисини тақозо этиши ҳам бежиз ва тасодифий эмас, албатта. Донишманд инсонлар Солон, Соқрат, Платон ва Аристотел каби алломалар назарида ҳар қандай конституция фақатгина халқ ва давлат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича муҳим ҳужжатгина эмас, балки муайян жамият, ундаги инсон ҳаёти ва муайян давлат фуқаросининг яшаш тарзи ва фаолиятига доир энг устувор маънавий мезонлар белгиланган бўлишига асосий қонун сифатида амал қилар эди.

Кейинчалик, асрлар давомида «давлат – жамият – инсон» тамойили муттасил мустаҳкамланиб ва сиёсий тузилмалар роли ҳамда таъсири тобора ортиб боргани сари, конституцияларда маънавий мезонлари, маънавий ҳаёт тамойиллари ҳақидаги тартиб-қоидаларга оид жиҳат қамайиб борган. Яъни, кейинги асрлардаги конституциялар маънавий ҳужжат эмас, балки ҳуқуқий тамойиллар акс этган қонунларнинг асослари борасидаги мажмуаларга айланиб бораверган.

Собиқ иттифоқ ва Ўзбекистоннинг илгариги конституцияларида маънавиятга доир бўлимларнинг йўқлиги ва бу борада халигача қонун ҳужжатларининг ниҳоятда кам ишлаб чиқиши ана шу бир томонлама тадрижийликнинг сақланиб қолгани билан изоҳланади.

Президентимиз томонидан юқоридagi тамойилнинг «Инсон – жамият – шахс» тамойилига ўзгартирилиши натижасида инсон қадрини улуглаш ғоясининг устуворлигини таъминлаш ислохотларнинг асосий мақсадига айлангани ушбу жабҳада ҳам янги босқични бошлаб берди. «Инсон қадрини унча» ҳамда «Давлат – инсон учун» тамойилларини реал ҳаётимизга татбиқ этиш янги Ўзбекистон пойдеворини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадига айланади. Шу муносабат билан маънавият

мезонларига доир тушунча ва тамойилларни янгиланаётган конституция матнида акс эттиришининг аҳамияти ва салмоғини тўла тушуниш, англаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятнинг маънавий ривожини боғлиқ фаолиятлар билан сиёсатининг алоҳида ва устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган берилиши мазкур соҳадаги фаолиятнинг янги босқичини бошлагани шубҳасиз. Айна пайтада жамиятнинг маънавий тараққиёти ва янги маърифий маконини яратиш билан боғлиқ жараёнларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, ушбу соҳага доир зарур қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим эҳтиёжга айланган.

Бугунги ҳаётнинг ўзи Асосий қонунимизга ушбу йўналишда инсон қадрини улуглаш ғоясига асосланган, жамиятнинг ҳаёти ва давлат сиёсатининг маънавий мезонларини белгилайдиган бир қатор норма ва қоидалар киритишни талаб қилмоқда. Бу борада, аввало, мамлакатимиз ҳаётининг мустақиллик йилларига хос қуйидаги муҳим жиҳатлари алоҳида эътиборни талаб қилади:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг ҳозиргача амалда бўлган конституциясида маънавиятга доир алоҳида бўлим, давлат ҳуқуқий мезонлари ва ҳаётий тамойилларини акс эттирувчи бирор мақсус қисм йўқ эди. Айна шу ҳолат мазкур соҳани давлат сиёсатининг алоҳида йўналиши сифатида қаралмаслиги, ушбу жабҳада қонун ижодкорлиги, иқтисодий таъминот ҳамда амалий ишлар тизимининг муайян даражада оқшашига сабаб бўлди.

Иккинчидан, кейинги йилларда бу борада ҳам янги давр бошланди. Жамиятимизни маънавий-маърифий жиҳатдан янада тараққий эттириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш, мазкур йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича муҳим натижаларга эришилди. Президентимизнинг ушбу соҳани тубдан такомиллаштиришга қаратилган 2 та, Вазирлар Маҳкамасининг 1 та қарори қабул қилинди ва шу асосда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишининг яхлит тизими шаклланди.

Учинчидан, давлатимиз раҳбарининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш вазифалари борасидаги мақсадларнинг аниқ-тиниқ белгилаб берилгани эса бу жабҳадаги ишларни жадаллаштирди.

Тўртинчидан, кейинги ойларида мамлакатимиз ҳаётидаги улкан сиёсий воқеа, яъни Асосий қонунимизга ўзгартириш ва янгиликлар киритилиши жараёнининг эса, масалан, ҳуқуқий томонларига кўпроқ эътибор бериш, маънавий соҳасининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш заруратини янада долзарблагатирмоқда.

Бешинчидан ва энг асосийси, бугунги кунга келиб маънавият соҳасига муносабат бутунлай ўзгарди. Мустақиллик йилларида биринчи марта бу борадаги ишлар давлат сиёсатининг алоҳида йўналишига айланган. Ўз навбатида, бу Асосий қонунимизда маънавиятнинг конституциявий мезонлари ва мазкур соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ушбу борадаги тартиб-қоидаларни аниқ-тиниқ белгилаб қўйиш заруратини юзага келтирди.

Ҳўш, мавжуд Конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилар экан, бунда маънавиятга доир эзгу ғоялар ва ҳаётий мезонлар қай тарзда ўз аксини топади? Маънавият соҳаси билан боғлиқ қандай тамойилларга алоҳида аҳамият қаратилади даркор? Тақомиллаштирилаётган Конституцияда маънавиятга доир белгиланган бўлишига асосий қонун сифатида амал қиладиган қайси тартиб-қоидалар акс этиши зарур? Маънавият соҳасидаги қонун ижодкорлиги борасида нималарга алоҳида эътибор бериш лозим? Бу соҳада қандай қонунлар ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий этилиши зарур? Умуман, маънавиятнинг конституциявий мезонларини Асосий қонунда қандай акс эттириш керак? Ушбу саволлар глобал тармок ва ижтимоий саҳифаларда маънавият соҳасидаги тармокга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир кўтарилаётган масалалар рўйхатининг бир қисми, ҳолоқ.

Маънави баркамол, юксак иқтидорли ва мустақил фикрлайдиган, Ватанимизга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга йилит-қизларни тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаолиятини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиш бериш бундан буён ҳам мазкур йўналишининг асосий тамойили бўлиб қолаверади, албатта.



Кийём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

ЯНГИ ҚОНУН МОҲИЯТИ

Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга чинакам тиргак бўлиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Зеро, айни соҳа вакиллари ўзини ўзи банд қилиш баробарида янги иш ўринлари яратиб, иқтисодий ва ижтимоий рақобат шароитида улар ўз устида тинимсиз ишлашга мажбур.

Президентимиз бежиз доимий равишда "Тадбиркорнинг дарди билан яшамаган раҳбар ҳозирги сиёсатни тушунмаган раҳбар бўлади" дея бонг урмапти. Сўнги икки йилда анъанавий тарзда ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти бунга яққол мисол эмасми? Бу эса соҳа вакиллари учун янада муҳим янгилик ва қўлайликларни яратиб бермоқда.

Бугунги кун ишбилармони "Эртага мени кимдир текширмасмикан?", "Мол-мулким ва ўзимнинг дахлсизлигим таъминланармикан?" деган хавотирли саволлар билан эмас, аксинча, "Яна қандай янги лойиҳани бошлаб, даромадимни кўпайтирсам экан?" деган ёруғ ўй, ишонч билан одимламоқда.

ТЕКШИРУВЛАР: НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Кейинги ўзгаришлар тенденциясига назар ташлайдиган бўлсак, текширувларни либераллаштириш ва фаолиятга асосиз аралашига йўл қўймасликка катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш бўйича жами 9 619 та буюртма келиб тушган бўлса, уларнинг 5 000 таси текширув ўтказиш учун қонуний асослар йўқлиги боис рад этилган. Шунингдек, қонуний текширувлар бўйича 2 009 та тасир чораси қўланган, 1 877 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судга юборилган. Давлат ташкилотларига 127 та тақдирнома киритилиб, мансабдор шахсларга тегишли чоралар қўрилган.

Жорий йил ишбилармонлар билан бўлиб

МАҚСАД ЖАЗОЛАШ ЭМАС, КЎМАК ВА РАҚБАТ КЎРСАТИШ



таъминлашга хизмат қилади.

Чунки унга кўра 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида рўйхатга олиниши ва мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди. Қолаверса, 2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларга "Ягона давлат назорати" ахборот тизимидаги давлат назорати функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тақиқланди.

Тизимнинг яна бир ижобий имконияти шундан иборатки, эндиликда назорат қилувчи орган хавфни тахлил этиш тизими натижаларига асосан ўтказиладиган текширувларнинг бошланиши ҳақида камида ўн иш кунидан олдин тадбиркорлик субъектини унинг ахборот тизимидаги шахсий кабинети ёки почта алоқаси орқали хабардор қилиши шарт. Тадбиркорлик субъектини текширув ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилмасдан текширув ўтказишга йўл қўйилмайди.

Хабарнома тадбиркорлик субъектига ахборот тизими орқали жўнатилади ва ушбу тизимнинг маълумоти билан тасдиқланади ёки почта орқали буюртма хат билан тадбиркорлик субъектига жўнатилади ҳамда у жўнатиладиган кейин уч кун ўтгач топширилган ҳисобланади. Эндиликда субъект ўз сўровига кўра ўтказилаётган текширув ҳақидаги ахборотни ахборот тизимидан бепул реал вақт режимида интернет тармоғи орқали ёки қисқа хабар (SMS) кўринишида олиши мумкин.

Ҳозирги ишбилармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, эндиликда фаолиятдан камчилик қидириш ва уни жазолаш эмас, балки унга аввалдан ишни тўғри ташкил қилишни ўргатиш ва қайси хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳусусида профилактик тадбирлар ўтказиш орқали ту-

шунтириб бориш биринчи даражага чиқарилди.

Янги низомга кўра, текширувларни ўтказишда қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнггина йўл қўйилади (солиқ текширувлари, жинойат ишлари ва тезкор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мунозаралар ва маълумотлар асосида ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно). Барча жараёнлар "Ягона давлат назорати" ахборот тизимида маълумотларни киритиб бориш орқали тахлил қилинади.

Юқоридаги қўлайликлар эса пировардида тадбиркорга ҳар томонлама эркинлик яратиб, уларнинг нафақат сон жиҳатдан, балки сифат ва мазмунан юксалиши, йирик лойиҳаларнинг йилдан йилга ўсиши ва дунё миқёсига чиқа оладиган замонавий, етакчи корхоналар пайдо бўлишига хизмат қилади. Зеро, дунёда рўй бераётган мураккаб иқтисодий ўзгаришлар жараёнида зарур шарт-шароитларни яратиб, ҳар қандай ортқача чекловларни олиб ташласак, тадбиркорларимизга том маънода кўмак берган бўлаемиз.



Дилмурод КАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурдаги
Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари
ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил, бизнес-омбудсман

УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА



БИЗДАН ОБОД ВА ЯШИЛ БОҒЛАР ҚОЛАДИ

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда Китобда кўчатчилик билан боғлиқ муаммо йўқ. Негаки, Ободонлаштириш бошқармаси қрошида 10 гектарли боғ барпо этилган бўлиб, у ерда дарахт ниҳоллари, қаламчалари ва гул кўчатлари тўрт фаслда ҳам тайёрланади. Масалан, шу кеча-кундузда бошқарма боғида 120 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчати экишга тайёр турибди. Бу ерда ҳар йили 18 турдаги қариб 2 миллион дона гул кўчати ҳам етиштирилади. Дарахт кўчатлари орасида эман, Қрим ва Элдор қарағайлари, каштан, чинор (татар заранги), акация, қайрағоч, жийда каби манзарали, япон, хитой нилуфарни, катальпа, япон софораси каби гулли дарахтлар, лигиструм ва шамшод каби бўталар бор. Атиргул кўчатлари 30 минг тупга яқинлашди. Яна бир ажойиб тажриба синаб кўриляпти туманда: автомобиль йўллари бўйларига гулхайрини қўлайтириш йўлга қўйилди. Кўп йиллик ва сувсизликка чидамли бу гул туман табиятини янада чиройли қилади. Ёки 20 килограмм райхон уруғи йиғиштириб олинган баҳорда 2 миллион туп райхон ниҳоллари етказиб бериш имкониятини яратар экан.

Тумани яшил маконга айлантиришда яна бир ибратли тажриба қўл келмоқда. Бу кўчатчилик билан боғлиқ бошқа захиралар ҳам мавжуддир. Олайлик, Китоб ўрмон хўжалиги 281 минг дона, Жовуз ўрмон хўжалиги 233 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчат захирасига эгаллиги катта имконият дегандир.

Хуллас, ҳозирги куз мавсумида туман бўйича салкам ярим миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш режалаштирилган. Бу ишни амалга ошириш фақат ташкилотчилик ва ташаббускорликни талаб қилади. Нафақат дарахт экиш, балки уни

ўтган очик мулоқотда давлатимиз раҳбари солиқ текширувларига оид жарималарнинг тури кўплиги ва оғирлиги бўйича мунозаралар сонини ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаган эди. Мисол учун, ойига ўртача 1 миллион сўм солиқ тўлайдиган кичик тадбиркорларга 5 миллиондан 10 миллион сўмгача молиявий жарима қўлланмоқда. Яъни, кичик тадбиркорлар учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам жазо бир хил. Шу боис Президентимиз барча турдаги текширувлар Бизнес-омбудсман томонидан мувофиқлаштирилиши, жарималар миқдори тадбиркор тўлаётган солиқ миқдоридан ошмаслиги кераклигини таъкидлаб, тадбиркорларнинг тақлифларини чуқур ўрганиб, текширувлар муддатларини қисқартириш, молиявий хато ва камчиликларнинг минимал чегаравий миқдорини белгилаш бўйича қонун

лоийҳасини ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятида назорат органларининг тақрорланадиган ва замон талабларига мос келмайдиган 20 дан ортқ назорат функцияларини мақбуллаштириш топшириғи берилди.

Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашувларнинг олдини олиш мақсадида 13 сентябрь кун Президент қарори билан "Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ва профилактика тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланди. Низомнинг қабул қилиниши назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари олдидаги масъулятини янада ошириш ва фаолияти очиқлигини

ТОМОРҚА – ХАЗИНА

Бир сотихдан 20 миллион даромад

ҲОЗИР ҲАММА ЁҚДА
ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛ-
ЯПТИ. КУЗГИ ДАЛА ИШЛАРИ
АЙНИ ҚИЗИЁТГАН ШУ КУНЛАР-
ДА ОДАМЛАРНИ БИР ЖОЙГА
ТЎПЛАБ, ТАДБИР УОШТИРИШ
ОСОНМАС. АЙНИҚСА, ҚИШЛОҚ
АЁЛЛАРИНИ МУЛОҚОТГА
ЖАМЛАШ ЯНАДА МУШКУЛ.
БОИСИ, ЭРТА ТОНГДАН ҚОШ
ҚОРАЙГУНЧА ДАЛАДА КЎЙМА-
ЛАНДИ УЛАР.

О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан жойларда ташкил этилаётган "Намунали томорқачи аёл – фаровонлик бунёдкори" лойиҳаси доирасидаги маҳорат дарслари бундан мустасно бўлди. Иштирокчилар кўпчилиги яққол кўзга ташланди.

Хўш, бунинг сирини нимада?
– Сабаби, вилоятда танилган, эл орасида ҳурмат қозонган фермер ҳамда томорқачилардан амалий сабоқ ўтиб беришини илтимос қилганимизда бўлса керак, – дейди О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари Саида Умаралиева. – Дарҳақиқат, маҳорат дарсларида танланган мавзу ва манзил катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан учрашувларнинг бири бўлиб ўтган "Гулчи опа" томорқа хизматлари кластери фаолиятига озгина тўхталиб ўтиш жоиз. Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, Олмачи маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Шарофат Нориева етакчилик қилаётган мазкур кластерда 129 нафар ишчи бор. Уларнинг 40 нафарини "Темир дастар" ва "Аёллар дастари"га киритилган хотин-қизлар ташкил қилади.

Кластер қошида бир миллиард сўмлик кредит маблағи эвазига хотин-қизларни касб-хунарга йўналтириш мақсадида 100 ўринли ўқув маркази ташкил этилган. Айни пайтда ўқув марказида тахсил олган аёллар қорвачилик, паррандачилик, гулчилик, кўчатчилик йўналишларида ўз бизнесини очилган. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кластер томонидан жўжалар, гул кўчатлари ва бошқа



маҳсулотлар бепул берилмоқда. Натижада аёлларимиз бандлиги таъминланиб, доимий даромад манбаларига эга бўлмоқда.

Кластер тажрибасини Фарғона, Самарқанд, Наманган, Тошкент ва бошқа вилоятлардан ҳам хотин-қизлар келиб ўрганиб кетишяпти. Бу гал ҳам маҳорат дарсида ўз хонадонида гулчилик, қорвачилик билан шуғулланишни истаган 30 нафардан ортқ хотин-қиз бир қатор гул навлари, жумладан, қарамгул ва хризантемаларни экиш, парвариш қилишдан тортиб, улардан уруғлик олишга бўлган жараёнлар билан таништирилди. Шарофат Нориева тадбир иштирокчиларини назарий ва амалий машғулот ўтказди.

Унинг айтишича, гулчилик орқасидан бир сотих ердан йилига ўртача 15-20 миллион сўмгача даромад олиш мумкин.

– Тўғрисини айтсам, мен хонадонимга чирой бериш учун гул экишни ўрганмоқчи эдим, – дейди Моҳида Йўлдошева. – Бироқ гулчиликдан уй шароитида яхши даромад олиш мумкинлигини амалда кўриб, тадбиркорликка қизиқиб қолдим. Қолаверса, янги иш бошлаётганларга уруғлик ва гул кўчатлари бепул етказиб берилар экан. Бундай имкониятдан фойдаланмасак уят бўлмади.

Лойиҳа доирасидаги яна бир тадбир Ғалвор тумани Сарбозор маҳалласидаги тажрибали гулчи Гулсум Исақуллова хонадонида ҳам ташкил этилди. Маҳорат дарси аввалида Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ойниса Қаршибоева уйда ўтирган, иссиқхона ташкил қилиш иштиёқида юрган хотин-қиз-

ларнинг орзулари ҳақида сўз юритди.

Гулсум опа Исақуллова бундан ўн беш йил олдин ҳовлисига хонаки гуллар уруғини экар экан, кейинчалик бу иштиёқи оиланинг даромад манбаига айланишини ўйламаганди. Сўнги йилларда томорқачиликка берилаётган эътибор сабаб опа оила аъзолари кўмагида гулчилик билан жиддий шуғуллана бошлади. Ўтган вақт давомида турли гулларни маҳаллий шароитда экиб, ўстириш, парваришlash борасида яхшигина тажриба тўплади. Мўъжазгина иссиқхона ҳам ташкил этди.

Ҳозирда унинг оила аъзолари икки сотих ерда гуллар парвариши ва 4 сотихда масвумий бодринг экиш билан шуғулланади. Йил давомида 70-80 миллион сўм атрофида даромад олмақда.

– Гулларни кўрсам, баҳри дилим яйрайди, – дейди Гулсум опа. – Уларни парваришладан чарчамайман. Қўшимча даромадда. Айниқса, бизнинг қишлоқ аёллари учун гулчилик жуда қўлай соҳа.

Тадбир давомида туманда истиқомат қиладиган 20 нафардан ошқ хотин-қизга Гулсум опа ўз тажрибасини ўртоқлашди. Гулчилик билан шуғулланиш истадида бўлганларга гул уруғларини текин тарқатди.

Ўтказилган мазкур тадбирларда иштирок этган хотин-қизлар гулчилик нафақат гўзаллик бағишловчи, балки даромад манбаи ҳам бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

ДЕПУТАТ ЁРДАМЧИСИ

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИГА ЕЛКАДОШМИЗ



Зиёдулла ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари
Ақтам Хаитовнинг ёрдамчиси,
Қашқадарё вилояти:



Мираббос МАНСУРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати
Дурбек Аҳмедовнинг
ёрдамчиси,
Тошкент шаҳри:

– Сайловчилар дардига қулоқ тутиш, муаммоларини ўрганиш, оғирини энгил қилиш, ташаббус кўрсатиш... Бу қаторни ҳали анча давом эттириш мумкин. Халқ вакилининг зиммасидаги вазифалар осон эмаслигини кўрдим, кўряпман. Жараёнда бевосита қатнашман. Гапим қуруқ бўлмасин, мисол келтирай. 136-Дехқонобод сайлов округи депутаты Ақтам Хаитов номига ҳозиргача 100 дан ортиқ ёзма ҳамда 150 га яқин оғзаки мурожаат келиб тушган. Уларнинг 80 фоизи тегишли ташкилотлар, тадбиркорлар билан биргаликда ҳал этиб келинмоқда. Мана, бир мурожаатни олайлик. Яқинда “Айридевол” МФЙ Чамбил қишлоғи фуқаролари томонидан янги мактаб қуриш бўйича мурожаат бўлган. Бу масала “Ташаббусли бюджет” лойиҳасига қўйилиб, 1 млрд. 200 млн. сўм маблағ мактаб қурилиши учун ютиб олинди.

Тумандаги ногирон ва ижтимоий муҳофазага муҳтожлар билан сектор раҳбарлари ҳамкорлигида бевосита иш олиб борилмоқда. Ишсиз фуқаролар меҳнат ярмаркаларига жалб қилиниб, бандлиги таъминланмоқда. Ҳар ҳафта туман ҳокими Зоир Алиқуллов ҳамда мутасаддилар билан бирга маҳаллаларга

борилиб, аҳоли муаммолари ўрганилади. Қувонарлиси, муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилмоқда. Мен ҳам чекка қишлоқларга бориб, юртдошларимни қийнаётган масалаларни ўрганаман ҳамда амалий ёрдам бераман. Олдинлари сайловчилар депутатини танимаган, очиги. Эндиликда депутат ва сайловчи бири-бирини яхши билади, ўз муаммоларини вакилига айта олади. Бу – депутатлар ва унинг

ёрдамчилари халқ орасига кириб бораётганининг исботи, десам адашмайман. Туманда йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тиббий хизматни яхшилаш, тадбиркорларга кўмаклашиш бўйича бажарадиган ишларимиз ҳали кўплиги ҳам аён ҳақиқат. Маррани баланд олганмиз. Елкамизда халқ ишончи турибди ахир. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ.

– Фаолиятимнинг илк куниданоқ бу масъулиятли вазифанинг залворини ҳис қилдим. Халқ ноибни ёнида бўлиб, одамларни тинглаш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим излаш бўйича кўникмаларга эга бўлдим. Ўрни келганда, биттагина мурожаатга ижобий ечим топиш мушкул бўларкан. Депутат билан бирга Учтепа туманидаги мактабларнинг янги ўқув йилига тайёр-

гарлигини ўрганганимизда, тумандаги маҳаллалардаги турли тадбирларда қатнашганимизда, аҳоли вакиллари билан учрашувларда шундай хулосага келганман.

Ишимиз депутатнинг ёнида юришига эмас. Бизда йилнинг ҳар чораги учун белгиланган режа бор. Шунга асосланиб, муҳим қонунлар, фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш юзасидан учрашувлар ташкил қиламиз, “Обод маҳалла” дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолатини маҳаллалар кесимида ўрганамиз. Узим ҳам ҳар ойда O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан ташкил этилган йиғилишларда иштирок этиб, ҳар бир масала юзасидан депутат Дурбек Аҳмедовга маълумот киритиб бораман. Билдирилган ишонччи оқлашим керак. Бу йўлда, албатта, тинмай меҳнат қилишдан, ўқиб-ўрганишдан тўхтамаслик зарурлигини биламан.



ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Оилавий тадбиркорлар кўпайсин-да!



ҚАШҚАДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Гулшана Худёрова O‘zLiDeP Косон туман кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари билан биргаликда Нартичқур маҳалласидаги “Хуршида Севинч Мадина” оилавий корхонасининг имконият ва эҳтиёжларини ўрганди. Камбағалликни қисқартириш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган “Хотин-қизлар ишбилармонлигини ошириш” дастури ижроси ҳақида маълумотлар берди.

– Бугунги кунда оилавий корхонамизда 14 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган, –

дейди тадбиркор Лобар Ражабова. – Уларнинг аксарияти ижтимоий химояга муҳтож, яъни “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”дагилар эди. Бу ерда тайёрланаётган турли пишириқ ва қандолат маҳсулотларимизни савдо дўконларига чиқаряпмиз. Оилавий тадбирлар ва тўйлар учун ҳам буюртмалар кўп тушяпти. Ўз навбатида, ушбу йўналишда ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга маҳорат дарслари ҳам ўтъяпмиз. Уларнинг кўпчилиги мустақил равишда фаолиятларини бошлаб юборишди.

Ёшлар етакчилари O‘zLiDePни танлади

БУХОРО

Бухоро туман ҳокимлигида O‘zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан тумандаги барча ёшлар етакчилари иштирокида учрашув ташкил қилинди.

Мулоқотда O‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси Сийёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов, вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Бобомурод Очилов, туман кенгаши депутатлари ва “Ёшлар қаноти” фаоллари, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ушбу сийёсий кучнинг дастурий мақсад ва вазифалари, Тараққиёт стратегияси ва ўтаётган йилда тасдиқланган “йўл харитаси”нинг амалдаги ижроси хусусида батафсил тўхталиб ўтишди. Тадбир давомида тумандаги 36 та маҳалланинг ёшлар етакчилари O‘zLiDeP сафига қабул қилинди ва уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.



САМАРҚАНД



Ҳисоботлар зўр, лекин амалда-чи?

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилишида шаҳар аҳлини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашни ҳолати юзасидан соҳа масъулларининг ҳисоботи эшитилди.

“Самарқандшаҳаргаз” таъминоти бўлими бошлиғи Р. Омоновнинг таъкидлашича, жорий йилда Самарқанд шаҳрида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича жами қиймати 103,7 млн. АҚШ доллари бўлган, шун-

дан 68 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан ташкил этган 10 та лойиҳа шакллантирилган. “Самарқандшаҳаргаз” томонидан кузги мавсумини барқарор ўтказиш ҳамда аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг табиий газ таъминотини бир меъёрдаги газ босими билан таъминлаш ҳамда авария ҳолатларининг олдини олиш учун 3 та махсус автомашина, 10 та пайвандлаш аппарати ва 10 та пайванд-

лаш бригадаси ҳозирланган. Муҳандис ва техник ходимлардан иборат навбатчилик йўлга қўйилган.

Ҳудуддаги 8 та маҳалла суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаб келинмоқда. Шунингдек, Кавола, Боғи сафед, Бирдамлик, Янги ҳаёт ва Ширин маҳаллари таъминотида техник имконият йўқлиги сабабли 3 062 та хонадонга имтиёзли нархда суюлтирилган газ баллонига етказиб берилмоқда.

Самарқанд шаҳри

электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А. Норқобилоннинг расмий ҳисоботида кўра, шаҳарда 2022 йил бошидан электр таъминотини яхшилаш, аҳолига узлуксиз ва сифатли электр энергиясини етказиб беришда тармоқларни модернизация ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, истеъмолчиларига янага энерго тизимдаги 28 та нимстанция, 2 246 км масофадаги электр узатиш тармоқлари, 1 021 донна трансформатор пунктлари орқали электр энергия етказиб бериш ҳажми истеъмолга мутаносиб равишда 1119,7 млн. кВт.с.га етказилиши режалаштирилди. 152 072 та аҳоли хонадонлари ва 12 064 та улгуржи истеъмолчиларга тўлиқ замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилди.

Ушбу ҳисоботлардан кўриняптики, ҳар икки тармоқда ҳам куз-қиш мавсумида муаммоларга гўёки ечимлар бордек. Лекин ҳаёт бошқа, қоғоз бошқа-да. Вақт эса кутиб турмайди. Бу борада партиядан сайланган самарқандлик депутатлар ҳам фаол бўлишса, одамлар рози бўларди.

ЖИЗЗАХ

40 кунлик меҳнат асрларни қаритсин...

Барча ҳудудларда бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эълон қилинган “Долзарб 40 кунлик” ишлари қизғин давом этмоқда. Маҳалла, муассаса ва ташкилотлар, таълим даргоҳлари, кўча ва хиёбонларда минглаб мева-ли ва манзарали дарахт кўчатлари экиляпти.



Эътиборлиси, ушбу жараёнда маслакдошларимиз ҳам фаол қатнашишяпти. O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ходимлари Жиззах шаҳри Амир Темур маҳалласи ҳудудида 100 та мева-ли ва манзарали дарахт кўчати ўтқазди. Ғалларол тумани Лалмикор маҳалласида эса фаол депутатларимиздан Фазилдин Акмирзаев ва тумандаги 1-касб-хунар мактабидagi партия бошланғич ташкилоти раиси

Элмурод Абдуғаниев бoshчилигида 1 000 туп ниҳол умид билан қадалди. – Халқ депутатлари туман кенгашида 9 нафар депутатимиз фаолият олиб бормоқда, – дейди партия туман кенгаши аппарат раҳбари Жамшид Мамарасулов. – Улар бу жараёнга бош-қош. Бугунгача 94 мингдан ортиқ кўчат экилди. Сўғориш ва парвариш ишлари мутасаддилар ва ноиблар назоратида.

Партия вилоят кенгаши қошидаги куйи бугун фаоллари ҳам четда туришгани йўқ. Дўстлик туманидаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази қошида ташкил этилган ва тажрибали маслакдошимиз Бахтиёр Жабборов етакчилик қилаётган куйи бугун фаоллари сайёҳаракати билан буш ҳудудларга 100 донна терак ва тол қаламчалари, 50 тупдан ортиқ мева-ли ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

ТИЖОРAT СИРЛАРИ

ОДАМ ВАҚТ ЎТГАН САРИ ҲАММА НАРСАНИ ТАНИБ БОРАРКАН. БАДИЙ КИТОБЛАРНИ КЎП ЎҚИГАНИМ УЧУНМИ, ТИЖОРATЧИ ДЕГАНДА ДУНЁНИ ПУЛДАН ИБОРАТ ДЕБ ЎЙЛАЙДИГАН ОДАМЛАР КЎЗ ЎНГИМГА КЕЛЛАРДИ АВВАЛ.

БАРАКА ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Янги йил байрами арафасида Денов туманида яшайдиган хизматдош дўстимни кўришга мехмонга бориб, бу тоифа одамларга нисбатан фикрим кескин ўзгарди.

Анча булувди кўришганимизга. Илгарилари оилавий борди-келди қилиб турарди. Кейинроқ ўртоғим "Барака-хилол" деган МЧЖ очди-да, ишга

фетни бепул беролмайсан-а?", дедим-да, барибир у кўрсатган дўконга кирдим. Сотувчиси ҳам ишгиргина, пухта экан. Мен атайлаб миждовларча савдолашиш асносида ошнамга кўзоти қараш қилардим, у эса пинагини ҳам бузмади: дўконни айлана, бизнинг савдога халал бермай, ўз ишлари билан андармон бўлди.

ди дўстим.

Кўйнинг дарагини эшитиб, пича юмшадим. Сал очилиб ўтирдим. Уша кеча зиёфат қуюб бўлди. Дастурхон шохона, суҳбат зарифона бўлди.

Эрталаб тургач, янгидан тузалган тўкин дастурхон атрофида суҳбат қизиди. Алҳол, сафар қариди. Энди астойдил изн сўрадим. Бу гал рухсат берди. Ва шу аснода хотинига кўз билан нимадир ишора қилди. Хотини ҳам секин ичкарига кириб кетди ва иккита тугунча кўтариб чиқди. У қаршилиқ қилишимизга қарамай, хотиним иккимизга сарпо, болаларимизга байрам совғаси, дастурхонимизга ноз-неъматлардан тугибди. "Шунча йўлдан босиб келган қадамларингга таъзим, ошнажон, ана шундай бўлади-да дўстлик", деган гаплар билан кўнглимни гуллатди. Энди кўзгаласак булар, деб эдим, "Шошма, ўртоқ, такси чакирганман", деб яна кўймади.

Киракаш машина ҳам кўп куттирмади. Хайрлашиб, уловга ўтиргач, ҳайдовчига бир даста пул бериб: "Меҳмонларни уйлариб қўлингизни кўйинг", деб тайинлади. Мен ичкаридан хай-хайлаганча қолдим.

Уйга қайтаётганимизда: "Биз иккимиз учун шунчалар харажат қилди. Иззат-икром кўрсатди. Ҳаммаси учун минг раҳмат. Худойим иззат қилсин, лекин кечаги дўконда қилган қилғилигини нимаси экан?"

Барибир, ақлим етмади. Қаранг-а, жавобни тасодифан топиб олдим. Маҳалламизда кўркам, саришта бир емакхона бор: одамлар номи "Ранчо" кўйган. Уша "Ранчо"да овқатланиб ўтирувдим, ўша жой эгаси ўзининг барменидан бир қути сигарет олди ва пулини берди. Ҳолбуки, емакхона ҳам, дўкон ҳам, унинг ичидаги амлок ҳам ўзиники, яъники, пул бермаслиги ҳам мумкин эди...

Шунда ҳаёлимга лоп этиб бир ҳақиқат эпкини урилди: ҳамма мулкдорлар дўконлардаги савдо айланишига ҳалақит бермасликлари шарт экан! Тижоратчилар олижаноб ва ҳисоб-китобни хуш кўрадиган одамлар. Бор саволатини чўнтагидан қилади. Ўзларига қарашли дўкондан бир донга гургут олса ҳам, жойида пулини тўлайди. Бизнеснинг мана шу митти, аммо муҳим сирини билганларгина тижоратчи бўла олади.

Дўстимни эса ич-ичимдан дуо қилдим...

Турдимурод МУСТАФОЕВ,
журналист

Сурхондарё вилояти



кўмилди-қолди. Оталаримиз бир гапни кўп гапирди: "Дўстиникига кўп борма – ишдан қолдирасан, душманингникига кўп борма – сирингни олдирасан". Ошнамни ишдан қолдирмайин, деган истиқола билан мен ҳам камроқ борадиган бўлдим. У эса тагида гиждовларча савдолашиш асносида ошнамга кўзоти қараш қилардим, у эса пинагини ҳам бузмади: дўконни айлана, бизнинг савдога халал бермай, ўз ишлари билан андармон бўлди.

Пича оғриндим. Менинг ҳаёлимда у: "Э, қизиқмисан, ўртоқ. Шугина нарасага ҳам пул бериб ўтирасанми?! Ол, истаганингча кўтар", дейиши керак эди. Мен киссамдан пул чиқариб, сотувчига узатаётганимда ҳам дўстимнинг: "Жиннимисан, ҳазиллашдим. Пулинг кўпайиб қолдими?", деб қаҳқаҳ уриб кулиб юборишини кутардим. Йўқ, таассуфки, ундай бўлмади. Хуллас, чехрам ёришмади. Уйига бориб ҳам ўйчанроқ ўтирдим. Киришиб, суҳбатга аралашиб кетолмадим. Фақат гапларини маъқуллаб, тегишли хитоблар қилиб ўтирдим. Назаримда, орамиздан самимиёт кўтарилгандай эди.

Аслида мен мумкиб ва ҳасис эмасман. Дўстимнинг уйига аталган мева-чевани бошқа дўкондан ҳам олардим, барибир. Менга алам қилгани, у орамиздаги муносабатга пулни аралаштирди. У бутунлай бошқа одамга айланибди. Бироз ўтиргач, уйга қайтишга изн сўрадим. "Ғалатимисан? Сен учун сўйилган қўйни хайрия фондига топшириб юборайми? Гурунг хали бошлангани ҳам йўқ-ку", деб кул-

АКС САДО

ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИКНИНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАРИ

БУНДАН ОЛТИ-ЕТТИ ЙИЛ ИЛГАРИ МИНТАҚАДА ТАСАВВУР ҚИЛИШ АМРИМАҲОЛ БЎЛГАН ФАРАҶБАХШ МУХИТ БУГУНГИ КУНДА РЕАЛ ҲОДСИГА АЙЛАНГАНИ УЧУН ШУКРОНАЛАР АЙТСАК АРСИЙДИ. ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТОЖИКИСТОН ЧЕГАРАСИДА "ХУШ КЕЛИБСИЗ!" – "ХУШ ОМАДЕД!" КАБИ ШИРИН СЎЗЛАРНИ ЭШИТИШ ИККИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ, ИККИ БИРОДАР ХАЛҚНИНГ ҚАЛБИДАГИ ЭЗГУ НИЯТЛАРИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ САДО БЕРАЁТГАНИ ҲАМ АЙНИ ҲАҚИҚАТ!

Ҳа, 2018 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Душанбега сафари асносида Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмон билан имзоланган муҳим ҳужжатлар миллион-миллион инсонлар қалбини шод этганди.

Яқинда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тожикистон журналистлари иттифоқи ўртасида шу йил май ойида имзоланган меморандум доирасида қўшни мамлакатда ижодий сафарда бўлиб қайтишди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Норқобил Жалилнинг "XXI asr" газетаси (20 ва 27 октябрь сонларида) "Саёҳатнома" руқни остида эълон қилинган "Дўсту қардошлар азалдан ўз-бегим тожик билан..." ва "Бизлар энди хайрлашмаймиз" сарлавҳали таассурот ва кўзталари икки биродар халққа меҳр-муҳаббатни, икки қўшни мамлакатнинг буюк келажагига ишонч-этимодни ўзида мужассам этган гўзал публицистика бўлибди.

Маҳоратли журналист Эз маколасида буюк саркарда ва мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг

Ўратепанинг юқори қисмидаги тоғ бағрида жойлашган Даҳхату Оббурдон қишлоқларида нафас ростлаб, шу ерлик аҳоли билан мулоқотда бўлганини эслашда рамзий маъно бор. Зеро, улуғ зот "Бобурнома"сида ёзганидек, бир булоқ ёқасидаги тошга Шайх Саъдийнинг қуйидаги байтларини ўйдиранган:

**Шунда, ки Жамшиди фаррухсирриш,
Ба сарчашмае бар ба санге навишт:
"Бар ин чашма чун мо баса дам задан,
Бирафтанд, то чашм барҳам задан.
Гирифтем олам ба мардию зур,
Валекин набурдем бо худ ба гур".**

Мазмуни: "Эшитдимки, қутлуғ табиатли Жамшид бир булоқ бошида тош устига шундай деб ёзган экан: бу булоқ тепасида бизлар сингари кўп кишилар келиб ўтирдилар, кетдилар ва йўқ бўдилар. Оламни мардлиқ ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан гўрга элтмадик".

Бугун дунёнинг айрим минтақаларида кечаётган уруш-жанжаллар оқибатида миллионлаб одамларнинг макони вайронага айланиб, ўзлари ўзга юртларда мусофирликда юрганлари ҳам ҳақиқат. Шу маънода байтада келтирилган ҳикматли фикрлар бугунги кунда ҳам бебаҳо қадрини йўқотган эмас. Бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш учун эса давлатлараро, халқлараро дўстона муносабатларни йўлга қўйиш энг муҳим омил ҳисобланади.

Сафарноманинг яна бир эътиборли жиҳати, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги азалий ришталарнинг янада мустаҳкамлашишида Президентимизнинг яхши қўшничилик тамойилига асосланган ташқи сиебати нақадар муҳим ўрин тутиши аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилганидир. Бу, хусусан, мендек Тожикистон заминидан туғилиб, олий ўқув юртида таҳсил олиб, тақдир тақозоси билан Тошкент

НУҚТАИ НАЗАР



БОЙКОТ ЭМАС, ЭЪТИБОР КЕРАК!

Бир ичимлик ўрамини фахш суратнинг тарғиб қилиниши кенг жамоатчилик норозилигига сабаб бўлди. Маҳсулотни бойкот қилиш тарғиботи авж олди. Ечим бойкот қилишда эмас.

Мен аслида рангли ва энергетик ичимликларнинг оммалашувиغا қаршиман. Сабабларини тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Сотувда турли-туман рангли ичимликлар кўп. Ичимликларга, улар бузилиб қолишига қарши кимёвий бирикмалардан ташқари, кимёвий бўёқлар ҳам қўшилади. Бу бўёқлар стандартлаштиришда E100-E199 рақамлари билан белгиланган. Улар орасида табиий (микроорганизм, ўсимлик, ҳайвонлардан олинадиган)ларидан ташқари, кимёвий усулда олинганлари ҳам бор. Масалан, E105, E110, E121, E122 ва ҳоказо.

Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотларининг бузилиши олдини олиш (шунга сабаб бўладиган микроорганизмлар фаолиятини тўхтатиш) учун яна кимёвий моддалар – консервантлар қўлланади. Сорбитлар, бензой кислотасининг натрийли ҳосиласи (натрий бензоат) кабилар энг арзон ва кенг қўлланадиган консервантлар ҳисобланади. Уларнинг қанча миқдорда қўлланиши борасида аниқ меъёрлар йўқ. Бу моддаларнинг ноҳуш ва салбий таъсири борасида қўпلىб илмий мақолаларга, ҳисоботлар эълон қилинган.

Ҳар қандай турдаги озиқ-овқат маҳсулоти ёки ичимликлар истеъмолга чиқарилишдан олдин тегишли санитар-гигиеник, экологик, микробиологик ва токсикологик таҳлиллардан ўтиши шарт! Бироқ бу маҳсулотлар бизнинг шароитимизда тулик таҳлилдан ўтмай тегишли рухсатномаларга эга бўлади. Исталган маҳсулотни олинг, шу саволатларини беринг: "Кимёвий таркиби қайси лабораторияда қандай жиҳозларда аниқланган?", "Ток-

сикологик хусусиятлари қандай? Микробиологик таҳлил қайси лабораторияда амалга оширилган?" Бизга, мана, ҳужжатлари дейишлари мумкин.

Лекин мен қайси лабораторияда қандай аналитик жиҳоз борлигини жуда яхши биламан. Уларнинг "Мана ҳужжат!" деган иддаоларига ишонмайман.

Мен лабораториямизда тайёрланган биопрепаратнинг синовларини "ўтказган" идораларнинг иш услубидан, ўз тажрибамдан Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар қандай қилиб рўйхатдан ўтишини жуда яхши биламан. Лабораторияга кирмай бозорга чиқиб кетаётган маҳсулотлар қанча?..

Бозорга чиқарилаётган рангли ва энергетик ичимликлар ҳақида, юқоридаги фикрларимдан келиб чиқиб, хулосани чиқараверинг. Энг оғриқлиси шуки, рангли ичимликлар арзонлигидан уларга болаларнинг интилиши сир эмас. Айни ичимликлар таркибидagi кимёвий моддалар, энг аввало, жигар ва буйракни ишдан чиқаришини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. Бу касалликларнинг аҳолида, жумладан, болаларда қанча учраши статистика қилинмади. Қолаверса, одам организмиде бу моддалар борми-йўқми, аниқлай оладиган лабораторияни эшитмаганман. Кўнгли айниди, боши айланади, қайт қилади, мазаси қочди, деймиз, лекин асл сабабини билмаймиз. Чунки буни билишнинг иложи йўқ.

Болаларнинг вужуди – органлари ҳали тўлиқ шаклланмаган. Катталар-ку иммунитетни сабаб бўливлар бирикмалардан амаллаб кимёвий, лекин болаларда ундай эмас. Бу бирикмалар жигар ва буй-

рақда, ёғ тўқималарида сақланади, йиллаб сақланади.

Шунинг учун, маҳсулотни бойкот қилиш шартмас. Унинг кимёвий таркиби таҳлили, бу таҳлиллар қаерда қилинганини талаб қилиш керак. Ана шунда ҳаммаси ойдинлашади. Юқори аналитик аниқликда ишлайдиган жиҳоз "заҳар бор!" деган маҳсулотни сотиб олмайси. Расмийлар бу жиҳатга эътибор берсалар, ўзларига ҳам фойда. Улар ҳам кўндалик ҳаётда турли-туман кимёвий бирикмаларни истеъмол қиладилар.

Тарғиботи кўпчиликнинг ғазабини кўзғатган ичимлик таркибини келтирамиз (ишлаб чиқарувчи қандай эълон қилган бўлса шундайлигича):

1. Сув;
2. Шакар;
3. Муҳит нордонлигини ростлагич модда, натрий цитрат;
4. Консервант – натрий бензоат;
5. Кофеин, 150 мг/л дан кўп эмас;
6. Кимёвий бўёқ – тартазин;
7. Барқарорлаштирувчи восита – гуммиарабик...

Бу бирикмалар ҳақидаги маълумотларни интернетдан топсангиз бўлади. Масалан, тартазин синтетик усулда кўмир смоласидан ҳосил қилинадиган модда ҳисобланади. E102 рақами билан белгиланади. Бола организмига тушганда мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, диққатни жамлашни қийинлаштиришга олиб келади.

Албатта, бу менинг шахсий фикрим ва хулосаларим. Қайси бирини қабул қилиш ўзингизнинг ихтиёрингиз. Яна бир тавсия: маҳсулот сотиб олишдан олдин таркибига эътибор беринг. Сиз учун номаълум бўлган моддаларнинг хусусиятларини интернетдан бемалол топа olasиз.

Бойкот эмас, ўзингизга эътиборли бўлинг. Нима елгисиз, нимани қабул қилгисиз. Сиз бозорга мослашманг, бозор сизга мослашсин!

Бахтиёр АБДУҒАФУР



Шоҳақҳор САЛИМОВ,
журналист



Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА: ОДАМНИНГ ЎЗИ ҚАНДАЙ БЎЛСА, БАХТИ ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Замонлар алмашса-да, ҳаётнинг ўзгармайдиган ҳақиқатлари бор. Таассуфки, миллат кўнглида ечилмай ётган тугундек дардлари ҳам кам эмас. Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева 33 йил аввал кўнони айтган гаплар бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаганидан қувониб эмас, қайғуриш керак аслида. 1989 йили “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”, сўхбатдош: Муяссар Исроилова) газетасида эълон қилинган, бугун эътиборингизга қисқартirilган ҳолда ҳавола этилаётган сўхбатни ўқиб экансиз, бир ўй пармалайди миянгизни: қанийди, шоира айтган гаплар ҳозир эскириб қолганида... Бугун долзарблигини йўқотган муаммоларга қараб, жамиятимиз ўтган даврда қанчалик илдамлаганини тасаввур этасиз. Аксинча, ҳамон кун тартибда қолаётган масалалар эса ҳар биримизни янада сергак торттириши зарур.

– СУҲБАТИМИЗНИ СИЗ ВА МЕНГА ЯҚИНРОҚ БЎЛГАН АЁЛЛАР МАВЗУСИДАН БОШЛАСАК.

– Аёл – илдиз. Эндилдиқда бу илдиз унутилди ҳисоб. Етиб келган жойимиз шу бўлдики, сариқ, камқонлик, рахит, гипотрофия (озиб-тўзиб кетиш), ичбуруғ каби сон-саноксиз касалликлар болаларнинг маъсум дунёсига кўп бошли аждарҳода бостириб кирапти. Учрашувларда ҳилма-толмадеккина, чўндай кўллари билан кетмонни аранг кўтараётган, кийимлари, қизил кўйлақлари кун қизғида оқариб, ранги билинмай кетган қизалоқларни кўриб, қорайиб кетган энажонларимизни кўрганимда кўзёшимни сездирмаслик иложини излайман. Юрагимдаги дардларим сатрларга айланаверади:

Бу сўлғин лопалар оҳ, додим менинг,
Ранглар, пок болалар фарёдим менинг.

Кўз олдимдан ўтли фиғонлари билан украин халқини оёққа турғизган, ўзини касаллик тўшаққа михлаб ташлаганига қарамай, ўз халқининг қулмас устунларидан бирига айланган Лесья Украинка қад кўтара бошлайди:

Украинам, ҳасратингдан юрак-бағрим
бўлди доғ.

Биз фидойи бўлмамдик. Биз фидойи бўлганимизда эди, диёнатсизлик юзига тик қаролганимизда эди, бугунги ночор кунга қолмаган бўлардик. “Мамлакатнинг бир бурчида бойлик, бир бурчида камбағаллик кучайди”, деб бежиз айтилмади. Бугун ҳам тўпига сув чиқармай, сиртинни силаб, гуллаб-яшнаётган баъзилар савол ташлашлари мумкин: Қандай ночор кун ҳақида гапирясииз? Мен эсимга келганларини қисқача санаб ўтай:

* Тамоман захарланиб бўлган, бундан кейин бир грамм ҳам кимёвий дорилар ишлатилмаган (ҳолбуки, ҳали бутунлай чеклаш ҳақида гап ҳам йўқ) тақдирда ҳам 10–15 йилларсиз ўзига келмайдиган бемор, пажмурда тупроқ.
* Қуриб, мангуга видолашиб бораётган Орол... Жумҳурият аҳолиси бир сўмдан берганида ҳам... Орол фондида 18 миллион сўм тушиши мумкинлиги ҳақидаги гап ҳақиқатан диққатга сазовор, ҳаммамиз ўғлиб кўришимиз, шунга кўра ҳаракат қилишимиз керак бўлган гап.

Ғурурини босиб ўтдилар тикка,
Номус-ор дегани ўтларда куйди.
Фақат инсон чидар бундай хўрликка,
Орол чидмайди,
Орол куйди!

Кечдилар отадан – ортиқча юқдан,
Ўлган диёнатга кўк кийди.
Инсон ўлмайди бу бешафатликдан.
Орол тирик қолмас,
Орол куйди!

* Ғурурини босиб ўтиш – 37-қатағон йилларгагина хос эмас. У кун кечагача давом этди. Бечора, безабон халқимиз орасида “кўпга келган тўй” тусини олган “қама-қама”лар хусусида айтяпман. Айблари бўйинларига қўйилиб, исботланса-ку хўп-хўп, исботланмаса-чи, дўзахий кўргилиқлар ҳаммаси тухмат, бўҳтон бўлиб чиқса-чи, бунинг хунини ким тўлайди? Халқнинг ғурури тоғдай устунларини синдириб, майиб қилганлар ҳаётимизга, маънавиятимизга атайлаб етказган катта зарарларини қачон, қандай йўллар билан тўлайди?

* Дардларнинг ҳаммаси аввало аёл юрагини куйдиради. Гира-шира эсимда қолган. Болалигимда бир қўшнимиз бўлгучи эди. Эру

хотин бир-бирдан хушхулқ, хушсурат одамлар эди. Уша эркак нимадир бўлиб (пахтанинг ўрнига маккажўхори эккани учунми-ей) камалди. Хотин ҳафта ичкёк бир бурда бўлди-қолди. Худонинг куни у-бу егулик олиб, болаларини устидан қулфлаб, турмага чопади. Янглишмовчилик бўлган эканми, икки-уч ойларда эркак оқланиб чқиди, орадан бир ҳафта ўтиб, эру хотин кўчада турманинг қорювуга дуч келиб қолади.

– Ё тавба, – дебди ўшанда қоровул, – сиз ўша, турмага қатнаб юрган қоқсуяк аёлми-ей? Ростданими?

– Ҳа, нимаиди, – дейишди эр-хотин.
– Вой янға-ей, мен сизни лўли-пўли бўлса керак, деб ўйлардим, ойдаққина хотин экансиз-ку!..

* Болалар тарбияси ўлда-жўлда. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноят турларини бугун болалар “уддалашяпти”. Оилада она, айникса, ота масъулиятини ошириш керак. Максимум Горький “Ёмон болалар учун ота-онани қозоломақ керак”, дейди. Шундай кўшимча қилиш мумкин: тарбияси бузуқ, безори болалар келтирган ҳар қандай зарар ота-онадан ундириб олиниши керак. Шунда ўз ташвишдан ортмайидиган ота-оналар сергак тортадилар. Бу таъбир ишларимизни олдинга силжити деб ўйлайман.

...Бугун аёл юрагига урилаётган зарбаларнинг қайси бирини айтмай. Умрбод пахта орасида ишлаш захматини ёш ҳазон бўлган механизатор аёл – Турсуной Охунова тирик бўлганларида батафсил гапириб берармидилар. Тўғри, мажлисларда, минбарларда ўтирдилар. Кремлда сўзладилар. Биз у киши билан фахрландик. Лекин буларнинг ҳаммаси рўё, оний ёлғон шўхрат экан-да. Бундан унинг ўзи, оиласи, гулдай-гулдай фарзандлари нима наф кўрди? Раҳматли Турсуной опанинг қазорилардан олдинроқ сочлари мутлақо тўкилиб кетганини айтишди...

Афсусландиган яна бир жиҳати шундаки, Турсуной опанининг фожиаки тақдирли аёллар бир-иккита эмас. Бизнинг нотўғри сиёсатимиз, тарғиботимиз ўз ишини қилиб улгурган, “Узоқни кўзлаган қиз”, “Турсуной ва унинг издошлари” каби асарлар, “Турсуной бўлай дейман” ашулалари таъсирида юзлаб қизлар бу касбни эгаллаган эдилар. Юзлаб қизлар вақтда гулгун ёшларида соғлиқларига ҳам шикаст етказиб улгуришган эди. “Саодат” журнали саҳифаларида “Механизатор бўлишни истайсизми?” мақоласига кўзингиз тушгандир. Қирқ беш ёшлик механизатор Ҳабибахон Мирзаеванинг чеҳрасига-чи?.. Аёл қирқ ёшида қарийдими? Аксар аёлларнинг аёл сифатида баркамоллашиб, балоғатга етиши, очилиши 35-40 ларга тўғри келмайдими?

– Пахтага ишлатилган дорилар, унинг қора меҳнати ҳақида нега олдинроқ ёзишмади, – дейди у титраб. – Шунда кўпроқ одам-

ни офатдан қутқариб қолишармиди. Шунда менинг икки фарзандим ҳам омон қоларми-ди, балки бир умр дала кезган опам 46 ёшида оламдан ўтмасмиди, балки мен 45 ёшимда тугаб, ярим жон бўлиб қолмасмиди?! Менинг 7 хил касаллигимнинг ҳаммаси пахта меҳнати билан боғлиқ бўлиб, энди мени инвалидликка чиқаришаркан...

Эркақларимиз аёлга “тенг ҳуқуқли” деган ёрликни ёпиштирдилар-у, уни уйдан олиб чиқдилар. Аёлни сиз айтгандай тракторга ҳам чиқарган бўлишди. Ташвиқот қилишди. Аммо унинг нимжон кўллари трактор рулини бошқариши мушкуллиги сезилиб қолдики, бу кампани узоққа бормади. Узоққа бормади, депман-у, тагин кўзим ўнгидан жойи жаннатда бўлган Турсуной опанинг ақлли, ювош, кўнучи кўзлари, қиёфалари ўтаверди. Ва айтган аламли сўзлари-чи: “Илғорликни ким кўювди менга, олтин юдузлари курсин, ана, тоқчада қолди-кетди. Қийналганда, ёлғизгина жоним қийналди. Эл қатори кўрагимга шамол тегиб, қаттиқ ерни қайириб босиб юриш менга насиб қилмас нима қилай... Ҳали мажлис, ҳали комиссия... гўдақларимни бағримга босиб, сочларини ҳидлаб ўтирганимни эслотмайман-а, водариг...”

Хуллас, донишманд Расул Ҳамзатов айтганидай, “Биз таёқнинг ўзини эмас, унинг соясини тўғрилашга уриниб ётаверамиз”. Ҳеч қачон сояни тўғрилаб бўладими? Зарарли ишлаб чиқаришдан аёлни қутқариб, соғлигини тиклаш бизга мажрўҳ болага кетган меҳнат (ҳам моддий, ҳам маънавий) харажатлардан энгилроқ, осонроқ кўчмайидими?

– АЖРАЛИШНИНГ АСОСИЙ САБАБИ НИМАДА ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

– Назаримда, кейинги пайтда эркақлар бемалолроқ, аёллар фаолроқ, шу билан бирга тажангроқ бўлиб боришяпти. Ажабланарли жойи шундаки, эркақларимиз назарида бу ҳол шундай бўлиши керакдай қабул қилинъяпти. Кичкина мисол. Яқин дўстларимиз билан кўчада кетаётгандик. Тун қоронғиси. Дўстимизнинг аёли ухлаб қолган полвонгина боласини бир амаллаб кўтариб, аранг оёк босъяпти.

– Ўғлингизни ўзингиз кўтариб олинг, Марат, Маъсуда қийналяпти, – лўкма ташлади орамиздан кимдир.

– Нима, Маъсуда қийналяпти? Керак бўлса, Маъсуданинг мениям кўтариб кетишга кучи етди, – деди дўстимиз хотиржам оҳангда. Бу гап ҳазилнома бўлса-да, Марат хотинининг қўлидан боласини олмади. Ори келди-ки, кўтармоқчи бўлган бошқа эркақларга болани Маъсуда ўзи бермади...

Оилавий ҳаёт мана шундай оний лаҳзалардаги ҳолатлар, муносабатлардан ташкил топади. Буларнинг ҳар бири ёлғир томчи-сидай ийгилиб бораверади. Ва кўп ҳолларда беиз кетмайди. Масалан, бузилган оила-

лардаги назоратсиз қолган болалар ахлоқи тўқис оилаларда ўсаётган болалардан кескин даражада фарқ қилади. Бундай оилалардаги улғайиб қолган, ўзини тўтиб олган, ақлли болалар кўзларида ҳам ҳаётга ишончсизлик, ички бир ғам соя ташлаб турадики, бу ғам ҳеч қачон болани руҳлантирмайди, аксинча, яшаш учун умчўкка шайланаётган қанотлари кучини қирқади.

Мен ҳар ҳолда яшагга сабаб қидирадиган, топадиганларни икки кўллаб ёқлайман. Одамзод боласининг ҳар қандай қийин кунда ҳам ақлсизларча, нентақларча ҳаракат қилишга ҳаққи йўқ! “Севгиси йўқ одамлар – бузуқ одамлардир”, дейди Бернард Шоу. Севгиси йўқ, уйи, бола-чақасига меҳр-муҳаббати йўқ одамлардан қанчалик кўрқимизни билсангиз эди. Табиатдаги, ҳаётдаги бутун бузиллишларга, инқирозларга мана шу хил қора йўл одамлар сабаб бўлади.

– БАХТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРИНГИЗ...

– Одамзод тирик экан, бахтга интилиб яшайди. Кўзи йўл тешиб, ранги кузги япроқдай сарғайиб, касалхонада ётган бемор назарида бахт – тўрт мучасининг соғлиғидан бошқа нарса эмас. Қамқўхонадаги маҳбус учун бахт – оозодликка, ёруғликка чиқадиган кун. Одамнинг ўзи қандай бўлса, бахти шундай бўлади, деган тушунча юради. Жаннатмакон могомонимиз Кенагасхоним учун бахт – душман қўшинларига асир тушган ўғлингиз эгилмаслиги, дор остида шармисорлик либосини киймай, сўнгги маконига ёруғ юз, ёлиблик билан душман юрагига таҳлика солиб кетиши бўлган.

Мен бу хил бахтни аччиқ, аммо умрининг тиксанг арзийдиган азиз бахт деб тушунаман. Кундалик ҳаётда эса, агар исталса, қулоқ солинса, бахтнинг барбод бўлишига сабаб кўп бўлганидай, бахтни бутун сақлашга ҳам ундовчи омиллар, ҳикматлар кўп. Шулардан бирини қадимги юнон файласуфи ва математиги Пифагор айтиб кетган экан: “Оқила рафикам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушгинки, токи у ҳеч қаерда сенинг хузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулойимликка дуч келмасин”. Яхши, сермазмон оила қуриш бахти бор. Яхши фарзанд ўстириш, яхши дўстлар орттириш... яхши шеър ўқиш...

– СЎНГИ САВОЛ: НИМАДАН БЕЗОВТАСИЗ?

– Маънавий қашшоқлигимиздан. Айрим аёлларимизнинг, болаларимизнинг химоясизлиги, эркақларимизнинг бешафқат, бемурув-ватлигидан...

Ҳой, одамлар! Атрофингизга синчковроқ қаранг. Ахир денгизда ҳам чўкаётган кемаларни кўтқаришадик-ку!

1989 йил

МУЛОҲАЗА

Тарбия ўчоғи оилада, лекин...

Оилага берилган энг яхши таъриф шу, назаримда. Нега дейсизми? Ахир барчамиз илк ҳаётий сабоқларни айна шу масканда оламиз. Айна шу муқаддас маконда камолга етамиз, улғаймас, дунёни танийимиз.

Қизиқ бир фактга кўзим тушганди: “Инсон умри давомида эгаллайдиган барча маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади”. Бу шунчаки гап эмас. Йиллар давомидаги кузатувлар, тадқиқотлар натижаси. Бир қараганда, кишини ўйга толдирадиган маълумот аслида. Азалдан Шарқда оила масаласига алоҳида эътибор қаратилганининг боиси ҳам шунда бўлса керак. Доно халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган нақли эса юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳанг.

Буларни бежиз таъкидламаяпман. Атрофга қаранг, замон анча тезлашди. Дунё “бир қишлоқ”қа айланаётгани ҳам рост. Ахборот урчиган даврда яшяпимиз. Болаларимизни ана шундай мураккаб даврда ахборот хуружидан, турли “маданият”лардан, ёмонликлардан асраш учун нима қилиш керак, деган савол юзага чиқяпти. Шубҳасиз, бу саволнинг жавоби – оила, оилада берилган тарбия.

Ўзингиз бир варақ бўлсам китоб ўқимасангиз-у, болангизга кунда “ўқи” деб қайта-қайта ай-

таверингиз тўғри бўладими? Телефон қурғурдан бош кўтармасангиз-у, болангизга ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлашингиз кулгилимасми?!

Болога ҳуқуқини, мажбуриятини ўргатмасангиз, бозор-ўчар қилиш, одамлар билан муомалага кириш маданиятидан беҳабар ўстирсангиз, у келгусида жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлана олмайди. Қийналади. Ҳуқуқини талаб қилиши керак бўлган жойда елка қисиб ўтирса, мажбуриятини бажариши керак бўлган пайтда юз бурса, рўзғор ташвишларини, вазифаларини бўйнига ололмаса, бунда албатта, биринчи навбатда, оиланинг, янаям очикроқ айтилса, ота-онанинг “ҳисса”си бор. Унутмаслигимиз керак, тарбия намуна, ибрат орқали фарзанд онгига сингдирилади.

Мамлакатимиз Бош қомусида “Оила – жамиятнинг асосий бўғини” деб қайд этилган. Такрор-такрор айтиш лозим: тарбияда оиланинг – асосий бўғиннинг ўрнини ҳеч нарса ва ҳеч ким босолмайди. Пойдевор мустаҳкам бўлмаса, иморат осмонўпар баландликда бўлса-да, бир куни қулайди.

Хусниддин АБДУФАТТОҲОВ,
Тошкент давлат юридик университети
халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик
факультети талабаси

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!



Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обун бўлинг.
Бунинг учун телефонингизга
“Play Market” ёки
“App Store”дан
“XXI asr” иловасини юклаб олиб,
пул ўтказсангиз кифоя.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шўхрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир
уринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1151 Адади: 4859
Электрон обуна – 1355
Бахоси келишилган нарҳда.
Топширилди – 21:00

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Нурхон ЭЛИМРИЗЭЕВА